

“Асака” банкнинг 2014 йилдаги фаолияти якунлари.

“Асака” банки 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори талабларини ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишларни амалга оширди ва қуйидаги кўрсаткичларга эришди.

2015 йил 1 январь ҳолатига банкнинг жами активлари **5,4 трлн.сўмни** ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан (**4,6 трлн.сўм**) **16%** га ўсган.

Банк капитали жами **801,8 млрд. сўмга** етказилиб, ўтган йилга нисбатан (**691,1 млрд. сўм**) **16%** га ўсган.

Банкнинг устав капитали ўтган йилга нисбатан (**435,7 млрд. сўм**) **15,8%** ўсиб, **504,5 млрд.сўмни** ташкил қилди.

Банк даромадининг умумий миқдори **693.9 млрд сўмни** ташкил қилиб ўтган йилнинг мос даврига (**559.8 млрд.сўм**) нисбатан **124%** ошган.

Банк фойдаси **77.9 млрд сўмни** ташкил қилиб, ўтган йилга (**65.3 млрд.сўм**) нисбатан **120%** га ошган.

Банкнинг жами кредит қўйилмалари **2.75 трлн. сўмни** ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **113,0** фоизга ўсган (**2.43 трлн.сўм бўлган**).

Кредит қўйилмаларнинг **551.5 млрд. сўми** (кредит портфелни **20,0%**) қисқа муддатли кредитлар ва **2.2 трлн. сўми** (**80,0%**) узоқ муддатли кредитлар ни ташкил этади.

2014 йил давомида банк томонидан жами **900.0 млрд. сўм** миқдоридан инвестиция кредитлари ажратилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш учун **900,8 млрд. сўмдан** ортиқ миқдорда кредит маблағлари ажратилди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан

128,3 фоизни ташкил этди (йиллик режа **105,3 фоизга** бажарилди);

Ажратилган микрокредитлар ҳажми 57,7 млрд. сўмни ташкил қилиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **132,9 фоизни ташкил қилди**. Ўрнатилган режага нисбатан **104,6 фоизга** бажарилди;

Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга 77,3 млрд.сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан **134,1 фоизни** ташкил этди (режа **103,6 фоизга** бажарилди);

ЎзР Президентининг ПҚ-308-сонли ва ПҚ-842-сонли қарорларга асосан қорамол сотиб олишга ажратилган микрокредитлар ҳажми 7,2 млрд. сўмни ташкил этиб, ўрнатилган режа **100,3 фоизга** бажарилди. Ўтган йилга нисбатан бу кўрсаткич **130,1 фоизни** ташкил этди;

ЎзР Президентининг ПҚ-1047-сонли қарорига асосан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга 197,0 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилган, Марказий банк томонидан белгиланган режа **109,5 фоизга** бажарилган. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан бу кўрсаткич **128,8 фоизни** ташкил этди;

ЎзР Президентининг ПҚ-1050-сонли қарорига асосан ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга 180,3 млрд.сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди ва Марказий банк томонидан белгиланган режа **110,6 фоизга** бажарилди. Ўтган йилга нисбатан бу кўрсаткич **142,6 фоизни** ташкил этди;

Оилавий тадбиркорлик ва ҳунарманд-чиликни ривожлантириш учун ажратилган кредитлар ҳажми **9,3 млрд.сўм бўлиб**, Марказий банк томонидан белгиланган режа **102,9 фоизга** бажарилган. Ўтган йилга нисбатан бу кўрсаткич **134,6 фоизни** ташкил этди, шунингдек, Таълим муассасалари битирувчиларига ажратилган кредитлар ҳажми **8,8 млрд.сўмни** ташкил этди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида 2014 йил давомида “Асака” банк томонидан жами ажратилган кредитлар ва молиялаштирилган лойиҳалар эвазига 24 549 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

2015 йилнинг 1 январь ҳолатига лизинг амалиётлари ҳажми **79,4 млрд. сўмни** ташкил қилиб, **150 та** хўжалик субъектига кўрсатилган лизинг хизматлари натижасида **625 тадан** ортиқ янги иш ўринлари яратилган.

2015 йил 1 январь ҳолатига жисмоний ва юридик шахсларнинг **банкдаги жами депозитлари миқдори** (талаб қилинганча, жамғарма, муддатли, бошқа депозитлар, депозит ва жамғарма депозит сертификатлари ва облигациялари) **3,5 трлн. сўмни** ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан **344,6 млрд. сўм ёки 10,9%га** кўпайган.

Аҳоли омонатлари қолдиқлари **491 млрд. сўмни** ташкил қилиб, ўтган йилга (**405.5 млрд.сўм**) нисбатан **85.5 млрд. сўмга** ёки **121%** кўпайди. Муддатли омонатлар **345.3 млрд.сўмни** ташкил этиб, ўтган йилга (**259.5 млрд.сўм**) нисбатан **85.8 млрд. сўмга** ёки **133%** ортди. Банк бўйича жами **93 та** омонат тури мавжуд бўлиб, шундан **63 таси** миллий валютадаги ва **30 таси** хорижий валютадаги омонатлардир.

Банк томонидан жами **1,5 миллион** дона пластик карточкалари муомалага чиқарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **159.6 минг тага** кўпайган.

2015 йилг 1 январь ҳолатига банк томонидан **9951 тадан** ортиқ терминал ўрнатилди, шундан **9.02 минг таси** савдо терминали, **202 таси** коммунал тўловлар қабул қилиш учун, **674 таси** банклар, минибанклар ва махсус кассаларга ўрнатилган.

Банк тизимда **27 та** банкомат ва **46 та** инфокиоск аҳолига ва банк мижозларига хизмат кўрсатиб турибди.